



Маматалиев Абдумалик Расулович

Самарканд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарканд ш.

ГИСТОЛОГИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА ВНЕПЕЧЕНОЧНОГО ЖЕЛЧНОГО ПРОТОКА У КРЫС

Маматалиев Абдумалик Расулович

Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

HISTOLOGICAL STRUCTURE OF THE EXTRAHEPATIC BILE DUCT IN RATS

Mamataliyev Abdumalik Rasulovich

Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: abdumalik.mamataliyev72@gmail.com

Резюме. Мақолада тажриба ҳайвонларидан бири бўлган каламушларда жигардан ташқи ўт йўллариининг умумий гистологик тузилишини Ван-Гизон усулида ва эластик толаларни Вейгерт бўйи усулида текширилиб илмий маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: Каламуш, жигар, ўт йўллари, гистологик тузилиш, эластик толалар.

Abstract. The article presents scientific data on the general histological structure of the external bile ducts of the liver in rats, one of the experimental animals, using the Van Gieson staining method and the Weigert elastic fiber staining method.

Keywords: Rat, liver, bile ducts, histological structure, elastic fibers.

Кириш. Жигардан ташқи ўт йўллариининг анатоми-гистологик тузилишига кўплаб илмий тадқиқотларда учратиш мумкин [2,3]. Сўнгги йиллардаги нашрларда ўт йўллари тизими ва унинг у ёки бу бўлимларининг қиёсий морфологиясига бағишланган илмий тадқиқотлар кўплаб топилади [1,5]. Айрим сутэмизувчи ҳайвонларда ўт пуфагининг бўлмаслиги уларда ўт йўллариининг гистологик тузилиши катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Каламушларда жигардан ташқари ўт йўллариининг гистологик тузилиш хусусиятларини қиёсий ўрганиш назарий ва амалий тиббиётнинг долзарб илмий муаммолардан бирidir. Бир қатор муаллифлар [6,7] овқат ҳазм қилиш тизимидаги, ўт йўллари, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак ва ошқозон ости бези ўртасидаги функционал муносабатларни ўрганганлар. Кўпгина ишлар экспериментда жигардан ташқари ўт йўллариининг турли патологияларини ўрганишга бағишланган [6]. Баъзи муаллифлар [3,8] одамлар ва каламушларда умумий ўт йўлининг қиёсий морфологиясини тавсифлайди. Тажрибада каламушларнинг жигардан ташқи ўт йўллари деворининг гистологик тузилиши ҳақида илмий адабиётларда маълумотлар учратмадик.

Тадқиқот мақсади: Соғлом вояга етган каламушларда жигардан ташқи ўт йўллариининг гистологик тузилишини ўрганиш.

Материаллар ва тадқиқот усуллари. Бизнинг тадқиқотимиз учун материаллар 12 та вояга етган


каламушларнинг жигар ва ўт йўлларида иборат органоконкомплекслари олинди. Каламушлар маҳаллий оғриқсизлантириш таъсирида қорин бўшлиғи лапротомия қилиниб, қорин аортасини кесиш йўли билан консизлантирилди. Гепатобилиар тизим аъзолари анатомик препаратлар усулида ажратиб олинди. Олинган аъзолар нейтрал формалиннинг 12% ли эритмасида сақланди. Ўт йўллари девори қаватларини гистологик тузилишни ўрганиш учун Гемотоксилин-Эозин бўйи усулидан фойдаландик. Эластик толаларни аниқлаш учун Вейгерт усулида фуксин билан бўялди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Каламушларда ўт ҳалтаси мавжуд эмас. Жигарнинг умумий ўт йўли ўн иккибармоқли ичакгача давом этади. Ўт йўллари ташқи томондан сероз парда билан қопланган. Унинг остида сиқил мушак қавати жойлашган. Мушак қаватидан кейин шилиқ ости ва шилиқ қаватлари қоплаб туради (1-расм).

Шиллиқ пардаси бир қаватли цилиндрсимон эпителий билан қопланган. Шилиқ ости пластинкаси шакиланмаган бриктурувч тўқимадан ташкил топган. Кўплаб эпителий каналчалар жойлашган. Каналчалар девори призматик эпителий ҳужайралари билан қопланган. Улар жигар умумий ўт йўли бўйлаб топилади. Коллаген толаларининг жойлашиши асосан канал бўйлаб ва айлана шаклида жойлашган. Барча қаватлардаги коллаген толаларининг зичлиги ҳар хил.



Расм 1. Каламушларда жигардан ташқи умумий жигар ўт йўлининг кўндаланг кесими. 1. Шилиқ ости қавати. 2. Мушак пардаси. Гематоксилин-эозин усулида бўялган. Катталаштирилган. 20x10



Расм 2. Каламушларда жигар умумий ўт йўли деворининг қаватлари: 1) Цилиндрисимон эпителий хужайралари. 2) Эпителий хужайралараро эгатчалари. 3) Базал мембрана. Гематоксилин ва эозин, Вейгерт усулларида бўялган. Катталаштирилган. 40x10

Мушак пардаси нисбатан юпқа, силлиқ мушак хужайралари тўпламлари бириктирувчи тўқима толалари билан бирлашиб кетган. Силлиқ мушак тўқималарининг қатламлари бўйлама йўналишда жойлашган. Барча безлар цилиндрсимон эпителий хужайралари билан қопланган ва без каналларининг бўшлиғига кенг йўллар билан очилган. Шунинг

таъкидлаш кераки, каламушларда умумий ўт йўлининг эпителий хужайралари нотекис бўлиб, юқори эпителий хужайралари пастлари билан алмашинади (2-расм).

Хулоса. Шундай қилиб, каламушларда жигардан ташқи ўт йўллариининг гистологик тузилиш бошқа сугэмизувчи ҳайвонларникига ўхшаш тузулишга эга. Шилиқ ости қаватида секретор безлар

жойлашган. Шилиқ қаватидаги цилиндирсимон эпителий хужайраларнинг апикал бўлимлари бир-биридан ажралиб эгатчалар ҳосил қилади. Аммо бу эгатчалар базал мембранага етиб бормайди, чунки хужайраларнинг латерал юзаларининг пастки қисмлари бир-бирига яқин жойлашган. Каламушларда ўт ҳалтасининг вазифасини маълум даражада жигардан ташки ўт йўллари бажариши мумкин.

Адабиётлар:

1. Абдуллаева, Д. Р., Исмат, А. О., & Маматалиев, А. Р. (2023). Анатомическое строения внепеченочных желчных протоков у крыс. *Golden brain*, 1(10), 493-499.
2. Маматалиев, А. Р. (2024). Нервный аппарат внепеченочных желчных протоков у кролика после экспериментальной холецистэктомии. *International journal of recently scientific researcher's theory*, 2(4), 161-165.
3. Маматалиев, А. Р., & Орипов, ф. С. (2021). Куёнларда жигардан ташки ўт йўлларининг одатда ва ўт ҳалтасини олиб ташлагандан сўнги гистологик ўзгариш. *Journal of biomedicine and practice*, 6(3), 117-125.
4. Маматалиев, А. Р., Тухтаназарова, Ш. И., Зохидова, С. Х., Омонов, А. Т., & Рахмонов, Ш. Ш. (2024). Анатомо-топографическое строение и активное сокращение стенок воротной вены лабораторных животных. *Академические исследования в современной науке*, 3(30), 163-168.
5. Маматалиев, А. Р. (2024). Особенности нейрогистологическое строение интразонального нервного аппарата вне печеночных желчных протоков у крыс. *Экономика и социум*, (3-2 (118)), 692-695.
6. Homidovna, Z. S., & Rasulovich, M. A. (2024). Алгоритм лечения деструктивного панкреатита. *Journal of biomedicine and practice*, 9(2).

7. Satybaldiyeva, G., Minzhanova, G., Zubova, O., Toshbekov, B., Rasulovich, M. A., Sapaev, B., ... & Khudaynazarovna, T. I. (2024). Behavioral adaptations of Arctic fox, *Vulpes lagopus* in response to climate change. *Caspian Journal of Environmental Sciences*, 22(5), 1011-1019.

8. Орипов, Ф. С., Дехканов, Т. Д., Бойкузиев, Х. Х., Хусанов, Э. У., & Дехканова, Н. Т. (2022). Онтогенез и морфология флюоресцирующих структур органов среднего отдела пищеварительного тракта. In *наука, инновации, образование: актуальные вопросы и современные аспекты* (pp. 106-147).

9. Ярмухамедова Н. А., Ризаев Ж. А. Изучение Краткосрочной Адаптации К Физическим Нагрузкам У Спортсменов Со Вторичными Иммунодефицитами // Журнал гуманитарных и естественных наук. – 2023. – №. 6. – С. 128-132.

ГИСТОЛОГИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА ВНЕПЕЧЕНОЧНОГО ЖЕЛЧНОГО ПРОТОКА У КРЫС

Маматалиев А.Р.

Резюме. В статье представлены научные данные об общем гистологическом строении наружных желчных протоков печени у крыс, одного из экспериментальных животных, с использованием метода окраски по Ван-Гизон и метода окраски по Вейгерту эластических волокон.

Ключевые слова: Крыса, печень, желчные протоки, гистологическая структура, эластические волокна.